



ТОКИО 2020

25 июль санаси
Ўзбекистон спорт тарихига
зарҳал ҳарфлар билан
битиладиган бўлди.
Шу кунни (-68 кг.) эндигина
19 ёшни қаршилаган ҳамюртимиз
Улуғбек Рашитов

таэквондо бўйича
«Токио-2020»
Олимпия ўйинлари

ОЛТИН МЕДАЛИНИ

қўлга киритди. Токиода музаффар
спортчимиз шарафига
Ўзбекистон байроғи кўтарилиб,
мадҳиямиз янгради.

Юрт тараққиёти
йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2021 йил
27 июль сешанба
№ 95 (4535)

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Самарқанд
вилояти

Муштарий
мулоҳазаси



Андижон
вилояти

Ташаббус ва самара



**БИЗ
«ИШОНЧ»ГА
ТАШНАМИЗ(МИ?)**

Кўрсарой майдонида яшаймиз. Шундоқ рўпарамизда маҳобатли, савлат тўкиб турган «Ишонч» меҳмонхонасига нигоҳимиз қадалади. Иттифоқо кўзим тушиб қолди. Шахримизда одамларга холис хизмат кўрсатиб келаётган «Ишонч» савдо нуқталари ҳам бор экан. «Ишонч» адвокатлик фирмаси ёрлиғидан ҳам кўз қувонади. Вилоятда ушбу мақом остида фаолият юритиб келаётган ўнлаб тадбиркорлик субъектлари, фирмалар мавжуд.

Солномаларни варақлаб, бундан ўттиз йил илгари луғатимизда бўлган «ишонч» сўзидан сира фойдаланмаганимизга иқрор бўлдим. Юрт истиқлоли эълон қилинадиган йилда истеъмолимизга ишонч сўзи сеvimли нашримиз «Ишонч» газетаси мақоми билан кириб келган экан. Тўқсонинчи йиллар ўрталарида эса Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида газета шарафига «Ишонч» жамоа хўжалиги ташкил этилганини ахтариб топдим. Мустабид тузумнинг ёлгон мафкураси эртанги кунга бўлган умидларни чилпарчин қилиб, ишонччи ўлдириб келган,

чоғи. Кўп йиллар бу сўзни қўлашга бизда на имкон, на бир шароит йўқ эди-да. Юрт истиқлоли бизга эртанги кунга, фарзандлар иқболига, қолаверса, ўзимизга бўлган ишонччи қайтарди. Юртимиз бўйлаб «Ишонч» мақомининг порлаётгани, кундан-кунга ишончимизнинг ортиб бораётгани «Ишонч»ларда намоён бўлмоқда. Ҳар гал бу мақомга дуч келганимизда, қалбимизга «Ишонч»ни жойлашга интилиб келаётган сеvimли нашримизни тўлқинланиб ёдга оламан.

Рустам ВАЛИЕВ

Самарқанд шахри

ИСТИҚЛОЛНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ



Ўтган йили Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг VIII Курултойида Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллик тўйига касаб уюшмалари томонидан ҳар бир тармоқ ҳамда вилоят ҳудудида ўттиздан янги иш ўрни яратиш ташаббуси илгари сурилган эди.

«Uz Auto motors» акциядорлик жамияти бошланғич касаб уюшма кўмитаси ушбу хайрли ташаббус рўёбга чиқишига муносиб ҳисса қўшиш ниятида Асака шахрида МЧЖ шаклидаги «Auto motors kasabatekstil» тивувчилик корхонасини ишга туширди. Корхонада 16 киши 12 турдаги шахсий ҳимоя воситаларини тайёрлашга киришди. Эҳтиёждан келиб чиқиб, келгусида маҳсулотлар тури 31 тагача етказилади. Корхонага ишчиларни қабул қилишда, аввало, «Аёллар дафтари»дан жой олганларга эътибор қаратилди.

— Корхона ишчилари сонини 60 нафарга етказиш кўзда тутилган, — дейди «Uz Auto motors» акциядорлик жамияти бошланғич касаб уюшма кўмитаси раиси Уктамжон Мирзаев. — Бироқ ишсизликдан қийналаётганларнинг ҳаммаси ҳам қандайдир касб-кор эгаси эмас. Шундан келиб чиқиб, биз ишлаш истагида бўлган, аммо кўлида хунари йўқ аёлларни олдин ўқув марказида ўқитиб, сўнгра ишга олишни режалаштирдик.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«ИШОНЧ»

**Муаттар
Набиева
Олимпия
рекорди
билан
тарихда
қолмоқда**

Оғир атлетикачимиз Муаттар Набиева «Токио-2020» Олимпия ўйинларидаги иштирокчини яқунлади. Ҳамюртимиз даст кўтариш машқида Олимпия рекордини янгилади.

Оғир атлетикачимиз биринчи машқда 98 кг. тошни кўтариб, ушбу йўналишда Олимпиада рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди. Афсуски, силтаб кўтариш машқидаги рақобатда омад ҳамюртимизни тарк этди. Яқунда 212 кг натижа қайд этган Набиева мусобақани тўртинчи ўринда яқунлади.

Оғир атлетика, -55 кг.

1. Хидилли Диас (Филиппин) – 224 (97+127) кг;
2. Цианюн Лиаво (Житой) – 223 (97+126) кг;
3. Зулфия Чиншианло (Қозоғистон) – 213 (90+123) кг;
4. Муаттар Набиева (Ўзбекистон) – 212 (98+114) кг.

Қайд этиш жоиз, Муаттар Набиева Олимпия ўйинларида кучли тўртликка кирган ва Олимпиада рекордини ўрнатган дастлабки оғир атлетикачи қизимиз сифатида тарихга кирмоқда.

@uzkufk

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА
КУНУ ТУН ФАОЛИЯТ КЎРСАТАДИГАН**

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Муносабат

ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ

ёхуд Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни тиклаш қандай натижалар беради?

Глобал муаммоларни олдиндан кўра биладиган Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинги пайтларда халқаро аҳамиятга молик бир қанча ташаббуслар билан чиқди. Натижада, Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида янги давр бошланди. Тошкентда шу йилнинг 15-16 июль кунлари «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция бунинг яна бир исботидир.

Ушбу анжуманда Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирилари, Жанубий Осиё давлатлари ҳамда Россия, Хитой, Саудия Арабистони, Қувайт, Туркия ва Бангладеш – жами 44 та мамлакатнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этди. Шунингдек, БМТ, Европа Иттифоқи, МДХ, ШҲТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби 30 га яқин халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари, молия институтлари, нуфузли хорижий илмий тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари, дунё экспертлар ҳамжамиятининг таникли экспертлари қатнашди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев прагматик, аналитик ва ташаббускор раҳбар сифатида Ўзбекистоннинг мавқеини ошириш учун нафақат республикадаги, балки минтақадаги

ечими топилаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқаларни тиклаш ғоясини илгари сурди. Бу ташаббус халқлар тинчлигини таъминлаш, барқарор ва адолатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун хизмат қилади. Фикримнинг тасдиғи сифатида халқаро конференцияда чиқиш қилган Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларини келтириб ўтмоқчиман:

«Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклиги, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустақкам замин яратади».

«Бугунги кунда дунё турли таҳдидлар, шу билан бирга, янги имкониятларни ўзида мужассам этган глобал геосиёсий ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Шундай мураккаб шароитда икки миллиарддан зиёд аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш муҳим ҳаётий зарурат ва табиий жараёнга айланмоқда».

Президентимиз ўз нутқида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг янги геосиёсий, геоиқтисодий ва геодиверсификациявий ёндашуви ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида

Қобилжон ҚИРГИЗАЛИЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи



Надежда СУВОРОВА,
«Турон» санаторийси директори ўринбосари, олий тоифали шифокор



Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси улкан имкониятларга эга, бу ерда 17 дан ортиқ мамлакатда 2 миллиарддан ортиқ одам яшайди. Ушбу минтақа мамлакатлари қадим замонлардан бери ўзаро алоқада бўлиб келган. Буюк ипак йўли орқали янги билимлар ва илмий ютуқлар, маданий ва маънавий қадриятлар тарқалган.

Конференцияда кўтарилган масалалар ва ташаббуслар нафақат ҳамкасбларим, балки ишчилар ва нафақахўрларнинг турли қатламлари ва киллари бўлган дам олувчилар орасида ҳам қизгин муҳокама қилинмоқда. Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, мамлакатимиз раҳбари томонидан белгиланган соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг санатор-курорт муассасалари фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Сўнги 4 йил ичида бир нечта санаторий қурилиб, фойдаланишга топширилди, қурилиш, реконструкция қилиш ва замонавий тиббий асбоб-усkunалар билан жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Бу сайёҳлар, айниқса, қўшни давлатлардан келатганлар сонини сезиларли даражада кўпайтиришга имкон берди.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги йигирма иккита санатор-курорт муассасаларида юқори малакали ходимлар йилига 150 мингдан зиёд дам олувчиларга соғлиқни сақлаш ва реабилитация қилиш борасида ёрдам кўрсатмоқда. Ҳатто пандемия ҳолатида ҳам Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг 5 мингдан зиёд ишчиси ҳар кун санатор-курорт даволиниш хизматларидан фойдаланмоқда.

Шундай қилиб, биз – республикамизнинг санаторий ва курорт муассасаларининг катта жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг яхши қўшничилиги муносабатларини ўрнаттиш бўйича ташаббусларидан келиб чиқиб, Марказий ва Жанубий Осиё аҳолиси фаровонлиги ва раванқини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Жиззах вилояти

Бор бўл, оқибат!



Кўнгишларни шод этиб...

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғалларол тумани кенгаши таълим соҳасида кўп йиллар меҳнат қилган табарруқ инсонлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор шахслар ҳолидан хабар олди.

– Шу кунларга етказганига шукр, – дейди 88 ёшни қарши олаётган меҳнат фахрийси Баҳром Ҳайдаров. – Мустақиллик шарофати билан азалий қадриятларимиз, ҳақ-ҳуқуқимиз қайта тикланди. Мана, диний маросимларни эмин-эркин нишонлаяпмиз. Байрам муносабати билан бизни эслаган мутасаддиларга раҳмат!

Қобил УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ғалларол тумани 5-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси

Фарғона вилояти

Кўрик-танлов

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА ЙўЛЛАНМА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон тумани кенгаши тизимдаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини уюштирди.

Унда аъзолари сони 100 нафардан зиёд бўлган ташкилотлар ўртасида 26-мактаб, аъзолари сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлар ўртасида 9-ДМТТ биринчи ўринни эгаллади. Шу тариқа, ҳар икки бошланғич ташкилот вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлди.

Зулфия УСМОНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон тумани кенгаши раиси

Бухоро вилояти

Ички туризм

БИР ОЛАМ ТААССУРОТЛАР

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан тармоқ тизимида фаолият кўрсатаётган 50 нафар ишчи-ҳодим ва уларнинг оила аъзоларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкиллаштирилди.

Саёҳат давомида Самарқанднинг тарихий қадамжолари зиёрат қилинди. Тарихий обидалар ва уларга оид маълумотлар ходимларда катта таассурот қолдирди.

Туроб ҚУЛИЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Сирдарё вилояти

Маънавият

КИТОБЛАР КўРГАЗМАСИ

Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маркази Жиззах вилоятида жойлашган «Зомин болалар оромгоҳи»да дам олувчилар учун китоблар кўргазмасини доимий равишда ташкил этиб келмоқда.

Навбатдаги тадбирда «Китоб ўқишга одатланайлик», «Танланг ва сўзланг», «Ўқишдан тўхтаманг!» деб номланган турли йўналишларда қизиқарли беллашувлар ҳам ўтказилди.

Фаол иштирокчилар ва совриндорларга кутубхона бошланғич касаба уюшма кўмитасининг ташаккурномаси ва китоблар улашилди.

Хуршида МАМАТҚУЛОВА,
Сирдарё вилояти Ахборот-кутубхона маркази ходими



Бошланғич ташкилотларда

Дунёни яхшилик яшнатади

Таълим муассасамиз 2018 йил 1 мартда замонавий бинода фаолият бошлаган. Бунгача эшитиш қобилияти турлича бўлган болаларнинг барчаси бир хил шароитда таҳсил олар, оқибатда заиф эшитувчиларда ҳам деярли ўзгаришлар сезилмасди. Ваҳоланки, заиф эшитувчи болалар билан олиб бориладиган машғулотлар кар-соқов болалар учун мўлжалланган машғулотлардан хийла фарқ қилади.

Бу йил урганчилик тадбиркор ота фарзандининг ўқитувчисига уй совға қилгани ҳақидаги хабар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ана шу муаллима жамоамиз вакили Марҳабо Алабергановадир. У 8 йилдан бери заиф эшитувчи болаларга бошланғич синфда сабоқ беради. Ўз устида тинимсиз изланади, болалардан меҳрини, кўмагини аямайди. Дарслардан сўнг ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланади, нутқни ривожлантирувчи машғулотлар олиб боради. Саъй-ҳаракатлар сабаб урганчилик гапириш имконияти чекланган қиз бир неча ойда раво сўзлашадиган бўлди. Бундан қувонган ота-она ўқитувчининг уйга эҳтиёжи борлигидан хабар топиб, янги қурилатган уйдан хонадон совға қилди.

Аслида, мактабимизнинг ҳар бир ўқитувчиси, тарбиячиси Марҳабо каби фидойи. Мактаб-интернатда фаолият кўрсатаётган 121 нафар ходимнинг ҳар бирида ушбу хислат мужассам. 89 нафар педагог ҳар бир дарсни юксак маҳорат билан ўтишга ҳаракат қилади. Ҳамкасбларим эришаётган ютуқлардан бир-иккитасини санаб ўтсам, ўйлайманки, сиз ҳам фикримга қўшилиасиз.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Динора Ибодуллова фидойи меҳнатлари, излашлари эвазига «Устоз-2020» миллий мукофотини олишга муваффақ бўлди. Муаллима «Халқ таълими аълочиси» кўрак нишони ва беш миллион

сўм пул мукофоти билан тақдирланди. 2020-2021 ўқув йили якунида эса шу ўқитувчимиз «Намунали ўқитувчи – 2021» онлайн танловига ҳам ғолиб бўлди.

2021 йил май ойида «Инфинбанк» томонидан иқтисодий билимларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мактаблараро видеодарс танловига мактабимиз ўқитувчиси ва ўқувчилари энг фаол деб топилиб, жамоамизга иккита телевизор совға қилинди.

Асосийси, мактабда таълим олаётган 207 нафар ўқувчи биз учун ўз фарзандларимиздек қадри. Шогирдаримизнинг кичкина ютуғи ҳам бизни қувонтиради. 2020 йил кузида «Бирмиз. Қалбан биргамиз!» шiori остида ташкил қилинган халқаро кўргазмада 10-синф ўқувчиси Жалолддин Эрматов фаол иштирок этиб, ташкилотчилар эътирофи сазовор бўлди. Жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиси Шерзод Рўзметовнинг шогирдлари вилоят ва республика мусобақаларида фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. 4-синф ўқувчиси Шерзод Жумабоев 2021 йил март ойида имконияти чекланган болалар орасида ўтказилган республика чемпионатида «иқтидорли шахматчи» номинацияси ғолиби бўлди. Беш нафар ўқувчимиз ДХХ Хоразм вилояти бошқармаси кубоғи учун ўтказилган шахмат баҳсларида фаол иштирок этиб, қимматбаҳо совғаларни қўлга киритди.

Касаба уюшмалари жамоадошлари-



мизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Пандемия шароитида ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам берилди, кам таъминланган оилаларда яшовчи ходимларимизга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, ҳамкасбларимиз Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. Шу йилнинг ўзида 6 нафар ходимимиз турли сўхатгоҳларда дам олиб, саломатликларини тиклашга муваффақ бўлди. Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлар ташкил этилиб, ходимлар ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидалари билан мунтазам таништириб боришмоқда. Ўқув биноси ва ётоқхонада барча шароитлар яратилган. Ходимлар ва ўқувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликда иш берувчимиз бош-қош. Жамоа шартномасидаги шартлар ўз муддатида бажариб келинмоқда. Иш берувчига қиритган барча тақдирларимиз инobatга олинмоқда. Касаба уюшма ва кузатув кенгаши Жамоа

шартномаси ижросини назорат қилиб келмоқда.

Мактаб-интернатимизга ёрдам қўларини чўзувчи ҳомийлар кўпчилиги ўқувчиларга сифатли таълим-тарбия беришимизда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мана, яқинда «Замин» фонди шарофати билан муассасамизда компьютер хонаси фаолияти йўлга қўйилди. Заиф эшитувчиларга мўлжалланган ушбу компьютерлар иқтидорли ўқувчиларимиз сафини кенгайтиришга хизмат қилади, албатта.

Имконияти чекланган болалар ҳам соғлом тенгурлари қаторида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак. Бу давлат ҳар биримизнинг қалб амримизга айланган.

Шахло ҚОРИЕВА,
Урганч шаҳридаги 32-заиф эшитувчилар мактаб-интернати касаба уюшма кўмитаси раиси

Хоразм вилояти

Таҳлил

КОРОНАВИРУС «ТАЖРИБАЛАРИ»

ёхуд пандемия даврида қандай йўл тутмоғимиз лозим?

Ўтган йилдан буюн дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган «COVID-19» пандемияси аҳоли саломатлиги билан боғлиқ энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозир турли давлатлар унинг навбатдаги тўлқини билан курашмоқда. Табиийки, ушбу офат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Биз юртимизда олиб борилаётган оқилона давлат сиёсати натижасида пандемия даврини катта иқтисодий-ижтимоий йўқотишларсиз ўтказмоқдамиз. Зеро, пандемиянинг илк кунидан эътиборан Президентимиз бошчилигида бу касалликнинг мамлакатимизда тарқалиши олдини олиш ва миллий иқтисодиётимизга таъсирини юмшатишга қаратилган талай ишлар амалга оширилди.

1. Пандемиянинг дастлабки босқичларида республика бўйлаб қучайтирилган карантин чекловлари жорий этилди. Мактабга таълим, умумтаълим ҳамда олий таълим муассасалари фаолияти масофавий тарзда олиб борилди. Халқаро ҳамда маҳаллий авиа ва темир йўл қатновлари тўхтатилди. Директивга кириб келган, шунингдек, коронавирус аниқланган шахслар билан мулоқотда бўлганлар 14 кун давомида карантин марказларида ушлаб турилди. Барча оммавий (спорт, маданий) тадбирлар, тўй-маъракалар тақиқланди. Санитар-карантин пунктлари фаолияти кучайтирилди. Ҳар бир ҳудудда мослаштирилган карантин зоналари очилди ва хориждаги фуқароларимиз чартер рейслар билан юртимизга олиб келиниб, 14 кун карантин марказларида ушлаб турилди. Барча оммавий (спорт, маданий) тадбирлар, тўй-маъракалар тақиқланди. Санитар-карантин пунктлари фаолияти кучайтирилди. Ҳар бир ҳудудда мослаштирилган карантин зоналари очилди ва хориждаги фуқароларимиз чартер рейслар билан юртимизга олиб келиниб, 14 кун карантин марказларида ушлаб турилди. Барча оммавий (спорт, маданий) тадбирлар, тўй-маъракалар тақиқланди. Санитар-карантин пунктлари фаолияти кучайтирилди. Ҳар бир ҳудудда мослаштирилган карантин зоналари очилди ва хориждаги фуқароларимиз чартер рейслар билан юртимизга олиб келиниб, 14 кун карантин марказларида ушлаб турилди. Барча оммавий (спорт, маданий) тадбирлар, тўй-маъракалар тақиқланди.

МСКТ, 56 та рентген, 2303 та функционал крват, 1450 та СИПАП, 3300 та кислород концентратор, 2040 та ИВЛ, 55 та ПЗР, 12,5 мингта кардиомонитор, шунингдек, бюджет ҳисобидан жами қиймати 72 млрд. сўмлик 500 та ИВЛ, 90 та кардиомонитор, 10 та ПЗР аппарати ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди. Мурувват ёрдамлари орқали эса 1512 та болалар СИПАПи, 300 та ИВЛ, 2507 та кислород концентратори ва бошқа жиҳозлар етказиб берилди.

Беморларга жойида сифатли лаборатория хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун 11 турдаги анализаторлар ва сарфлов воситалари биргаликда харид қилинди. Жумладан, 10 та биохимик, 10 та иммунофермент, 10 та гематологик, 30 та қоннинг қуюлувчанлик кўрсаткичлари

анализатори, 20 та ярим автоматик коагулометр ва бошқа анализаторлар келтирилиб, тегишли тартибда тақсимланди. Бундан ташқари, Хитойнинг «Хенан Костар» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ, 20 та гематологик, 17 та рақамли портатив рентген аппарати, 1000 та кислород концентратори, 200 та кардиомонитор, 206 та шприци насос, 8400 та пульсоксиметр келтирилиб, ҳудудий тиббий муассасаларга юборилди.

3. Коронавирус касаллигининг олдини олиш ва инфекция мавжудлиги аниқланган беморларни ўз вақтида даволаш мақсадида Инқирозга қарши кураш жамғармасидан зарур маблағлар ажратилиб, энг зарур саналган 49 турдаги дори воситаларининг захираси яратилди ва узлуксиз равишда жойларга жўнатиб турилди. Коронавирусни даволашда энг юқори самарага эга фавипиравир ва ремдесевир дори

Ўзбекистонда бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолияти шундай ташкил этилдики, тиббий ёрдамга эҳтиёж сезган ҳар бир киши ушбу соҳа ходимини уйига чақириб, барча муолажаларни хонадонда олди. Коронавирусга шубҳа қилинган беморни касалхонага ётқизиш зарурияти туғилган ҳолларда махсус гуруҳ чақирилиб, бемор госпитализация қилинди ва бепул даволанди.

ларини, ПЦР-тестлар, индивидуал химия воситаларини, дезинфекцион моддаларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Салкам 800 минг тўпلام дори қутилари (COVID-BOX, аптекалар) ҳудудларга етказиб берилди.

4. Президентимизнинг тегишли қарорига биноан, тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча маблағ тўлаш лозимлиги белгиланди. Шу асосда врач ходимлар ва врач-лаборантларга – 25

миллион сўм, ўрта тиббиёт ходимлари ва ҳамшира-лаборантларга – 15 миллион сўм, кичик тиббиёт ходимларига – 10 миллион сўм, бошқа ходимларга – 5 миллион сўмдан ҳақ тўлаб борилди. Ҳозир эса тиббиёт ходимларига 14 кунлик фаолияти учун тўланадиган махсус тўловлар мuddатини 30 кунга узайтириш орқали бюджет маблағларини тежашга эришилди.

Яна бир гап. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 23 июлдаги ва 27 августдаги тегишли фармонларига асосан, коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган 300 нафардан ортиқ тиббиёт ходими давлат мукофотлари билан тақдирланди.

5. Коронавирус пандемияси юқори чўққига чиққан даврда мамлакатимиздаги жами 159 та муассасада 25200 та шифо ўрни, жумладан, 2500 та реанимация ўрни ташкил этилди. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида коронавирусга йўлқон беморларни даволаш учун зудлик билан 3600 ўринли махсус шифохона қурилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилди. Бундай махсус шифохоналар Нукус, Самарқанд шаҳарлари, Термиз ва Поп туманларида ҳам қад ростлади.

Қолаверса, қўшимча равишда 58 та саралаш-тақсимлаш марказида 15 мингта ўрин, шу жумладан, 1225 та реанимация ўрни очилди. Коронавирус билан касалланганларни даволашда бугунга қадар Хитой, Россия, Корея, Туркия ва Германиядан келган 140 дан ортиқ мутахассис қатнашди.

Ўзбекистонда бирламчи тиббий-санитария ёрдами фаолияти шундай ташкил этилдики, тиббий ёрдамга эҳтиёж сезган ҳар бир киши ушбу соҳа ходимини уйига чақириб, барча муолажаларни хонадонда олди. Коронавирусга шубҳа қилинган беморни касалхонага ётқизиш зарурияти туғилган ҳолларда

махсус гуруҳ чақирилиб, бемор госпитализация қилинди ва бепул даволанди.

Ҳозирги кунда пандемия шароитида аҳолини ижтимоий химоя қилиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ниятида жорий этилган карантин чекловлари юмшатилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолияти тўлиқ тикланди. Шунингдек, олий таълим соҳасидан ташқари мактабга таълим ва умумтаълим муассасалари фаолияти босқичма-босқич қайта йўлга қўйилди. Халқаро ҳамда маҳаллий авиа ва темир йўл қатновлари яна очилди. Кўнгилочар объектлар ва диний ташкилотлар фаолияти, тўй маросимларига (иштирокчилар сони ва ўтказиш вақти чегараланган ҳолда) рухсат берилди. Аммо охириги вақтларда аҳолининг маълум контингенти ўртасида карантин талабларига эътиборсизлик, аниқроғи, тиббий ниқобсиз юриш ёки ниқобни тўғри тақмаслик, тўйлар ва турли тадбирларда қатнашаётганлар сонининг кўллиги, зарурат бўлмаса-да, жамоа бўлиб тўпланиш, ижтимоий масофа сақламаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Очиғини тан оладиган бўлсак, аксариятимиз карантин қоидаларига қатъий амал қилмаёмиз. Мисол учун, оддий тиббий ниқобни тақиш талабларини тўлиқ бажаряпмизми? Уни ҳар икки соатда алмаштиряпмизми? Бир марта ишлатиш лозим бўлган ниқобларни «кўп марталик» қилиб, бош устига, ҳўжақўрсинга тақмаепмизми?!

Ёки ижтимоий масофани сақлаш масаласини олайлик. Тўй-маъракаларни қандай ўтказяпмиз? Меҳмонларимиз кўпайиб кетмаяптими? Наҳотки, кечгаги аччиқ тажрибани шу қадар тез эсдан чиқарган бўлсак?!

Булар аҳоли ўртасида яна касал-

лик тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, аҳоли ўртасида касалликни камайтириш учун унинг манбаини барвақт аниқлаш, яъни юқори нафас йўллари ялғлашни аломатлари (иситма, йўтал, грип) бўлганларни касалхонага эрта ётқизиш, эҳтиёт чораларини кўриш

(тиббий ниқоб тақиш, нафас олиш ва қўл гигиенаси, шахсий химия воситаларидан фойдаланиш), ижтимоий масофани сақлаш ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича тадбирларни талаб даражасида бажариш лозим.

Бу хавф дунё миқёсида бутунлай бар-тариф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Барчамиз зийраклик ва эҳтиёткорлик билан оддий карантин талабларига – тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт!

Алишер ШОДМОНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2021 йилда Осиё тараққиёт банки иштирокида Қашқадарё вилоятининг қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танилаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади!

№ 2021-06

Шартнома (лот) лар рўйхати

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 27 июль
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жой типлари.

1-тип: Беш қаватли бир подъездли 20 квартиралар (2, 3 хонали) уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест»

МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар (лотлар) бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф этади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26

апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Янги тартибга кўра, кўп квартиралар уй-жойлар қурилишида рейтинг тизимида кирган «СС» ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

5. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун

Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
Манзил: Қарши шаҳри, И.Каримов кўчаси, 60А-уй.
Телефон: (75) 223-18-80
Факс: (75) 223-19-11

6. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
«_____вилояти, _____тумани, _____масивидаги _____лот _____та яқна тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб «СС» ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлими банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўпلام танлов ҳужжатлари

учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг. Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
Банк: «Ўзсаноатқурилишбанк»
АТБнинг Қарши филиали
СТПР: 202453632 МФО: 00854
Х/р: 20210000903823711001

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим: Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига; **Таклифларни тақдим этиш сўнги мuddати шартнома лотлар) рўйхатида кўрсатиб ўтилган. Белгиланган мuddатдан кечикиб топширилган тендер таклифлари қабул қилинмайди ва тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди;**

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириги кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Манзил: Қарши шаҳри, Мустақиллик майдони, 1-уй.
Телефон: (75) 221-02-38
Факс: (75) 221-11-10

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй учун талаб этилади:					
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Талаб этиладиган молиявий ресурс миқдори (сўм)	Қурилиш малакаси бўйича ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м²	Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнги 3 йилда қуриб биттирилган уйлар майдони м²
Беш қаватли бир подъездли 20 квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	6 000 000 000	1 350 000 000	3 200 000 000	900	500	900

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сони	Беш қаватли бир подъездли 20 квартиралар 2-3 хонали уйлар			Таклифларни топшириш охириги мuddати
				Уй сони	Квартиралар сони	уй рақами	
	Қашқадарё виллояти		540	27	540		
404	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	1	2021 йил 26 август 11:00
405	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	2	2021 йил 26 август 11:00
406	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	3	2021 йил 26 август 11:00
407	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	4	2021 йил 26 август 11:00
408	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	5	2021 йил 26 август 11:00
409	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	6	2021 йил 26 август 11:30
410	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	7	2021 йил 26 август 11:30
411	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	8	2021 йил 26 август 11:30
412	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	9	2021 йил 26 август 11:30
413	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	10	2021 йил 26 август 11:30
414	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	11	2021 йил 26 август 12:00
415	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	12	2021 йил 26 август 12:00
416	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	13	2021 йил 26 август 12:00
417	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	14	2021 йил 26 август 12:00
418	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	15	2021 йил 26 август 12:00
419	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	16	2021 йил 26 август 12:30
420	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	17	2021 йил 26 август 12:30
421	Шаҳрисабз	Келдиҳаёт	20	1	20	18	2021 йил 26 август 12:30
422	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	1	2021 йил 26 август 12:30
423	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	2	2021 йил 26 август 12:30
424	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	3	2021 йил 26 август 14:00
425	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	4	2021 йил 26 август 14:00
426	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	5	2021 йил 26 август 14:00
427	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	6	2021 йил 26 август 14:00
428	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	7	2021 йил 26 август 14:00
429	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	8	2021 йил 26 август 14:30
430	Шаҳрисабз	Чоштепа	20	1	20	9	2021 йил 26 август 14:30



Зухриддин Исомиддиновнинг «Сўз қисмати» китоби («SHARQ» НМАК, 2020 йил) этнографик этюдлар жамланмасидан иборат. У ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Сўз латофати» асаридан келтирилган қуйидаги иқтибос билан бошланади: «Шундай китоб ёзилишини орзу қиламан. Унинг номи «Сўз қисмати» бўлса. Она тилимиздаги сўзларнинг узоқ босиб ўтган йўллари, бошидан кечирганлари, зафар ва мағлубиятлари, гоҳ шўҳрат топиб, гоҳ унут бўлишлари, камолу заволлари тасвир этилса...».

«Сўз қисмати»нинг яратилиш сабаби ҳам шу фикрга боғланган. Ўз навбатида, Зухриддин Исомиддинов «Улуғ шоиримизнинг бу тилагини ўринлатиш катта, улуғ вазифа. Уни ҳеч бир муаллиф удралай олмайди, тадиқиқ эса ўнлаб китобга ҳам сифмайди», деган.

Дарҳақиқат, олам ва одамдан аввал яратилган сўз – бениҳоя сири ва

Сўз сирининг инжишофи

моҳиятини тугал англаш имконсиз бир хилқат. Сўз аслида ҳамма нарса: сўз – ҳодиса, сўз – муносабат, сўз – тарих, сўз – бугун... ва келажак. Сўз – умид, армон, ҳасрат ва муҳаббатдир. Сўзнинг этмиш икки маъноси бор, дейишади, ҳар ким ўз ақли, ўз ниятига яраша насибаси, улушини олади ундан.

Халқ тилида учрайдиган мақоллар, иборалар, тарихий сўзларнинг ўз ўтмиши, асрлар оша босиб ўтган йўли, худди одамзод сингари ўз қиёфаси, шакли бор. Лекин биз бунга кўпинча эътибор бермаймиз. Масалага шу жиҳатдан ёндашганда, йигирмата мақоладан иборат «Сўз қисмати» китобини адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддиновнинг йиллар давомида олиб борган кузатишлари натижасида яратилган мўъжазгина хазина, миллий тилимиз бойлигини кўз-кўз қиладиган яна бир тиник жажжи кўзгу десак, муболаға бўлмайди.

Муаллиф томонидан ниҳоятда нуктадонлик, нуктазарблик билан битилган бу мақолаларнинг ҳар бирида бирор тарихий сўз ёхуд иборанинг келиб чиқиши, тадрижи, қайси даврга оидлиги, қўлланиш доираси, бошқа тиллар билан алоқаси, фонетик ўзгаришга учраган-учрамагани батафсил текширилган ва аниқ илмий хулосалар чиқарилган.

«Оллоҳга салом бериладими?», «Қа-

мишдан бел боғлаб», «Тулпор отнинг қаноти», «Сим қоқди» нима дегани?», «Шеванинг шикваси», «Айланай, ўргилай», «Гап» ҳақида гап» каби мақолаларни ўқиган киши тилимиз нақадар бойлигини ва мўъжизаларга тўлалигини ҳайратга тушириб табиий.

«Шоти бўлиб кўкка чирмашган нола» мақоласида ёзилишича, ҳозирги Қорақалпоғистоннинг Хўжайли тумани худудига ўта қадимий, улкан бир қабристон бўлиб, унинг тарихи уч минг йилдан ортиқ эмиш. Ўша маскандаги баланд бир тепаликни маҳаллий аҳоли Жўмард қассобнинг қабри, деб атайди. Бу инсон одамларга гўшт сотганида, бирор кишининг тўлаша пули бўлмаса, «Топганинда берарсан, йўқса, ўлганимда қабрим устига бир кафт тупроқ олиб келиб ташласанг, мен рози бўламан», дер экан. Қассоб дунёдан ўтган, қари бор ҳар бир одам унинг қабри устига бир кафт-бир кафтдан тупроқ ташлаганида катта бир тепалик пайдо бўлибди. Чунки ундан қарздорлар жуда кўп экан. Муаллиф ушбу қайдлар халқона эканлигини таъкидлар экан, «одамларнинг тили келишмай», «Жўмард» дейишган. Ҳолбуки, у «Авесто» асаридаги Гавомарднинг қабри», деган мулоҳазани ўртага ташлайди.

Энг қизиғи, бу қабристондаги ҳар бир қабр устига биттадан шоти санчиб

қўйилган. Бунга ҳозирги пайтларда ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Китобда ана шу манзара акс этган фотосурат ҳам берилган. Муаллиф бунинг сабабини «Энг қадимги даврларда – эҳтимолки, ўша «Авесто» даврларида (Исломга ҳали камидо йигирма аср бор эди) – одамлар шурида йўлларнинг руҳи осмонга чиқиб кетади, деган тушунча бўлган», деб изоҳлайди. Усмон Носир мисраси сарлава сифатида танланган бу мақола ҳам қизиқарлиги, ҳам илмий жиҳатдан теран таҳлилларга жуда бойлиги билан қадрлидир.

«Эти сизники, сўяги бизники», «Сўягимизни бегонага ушлатмаймиз» каби маталларнинг маъноси ва яратилишига, қўлланидиган худудига боғлиқ маълумотлар, зардуштийлик динидаги дафн маросими, марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш таомилларидаги тафовутлар, бу фарқларнинг ижтимоий табақа билан ҳам боғлиқлиги тўғрисидаги далиллар ҳар бир сўз ёки ибора беҳад мураккаб, сири тарихий жараён ҳосиласи эканини тасдиқлайди.

«Миллийликка хиёнат қилмай...» мақоласида «Ўткан кунлар», «Алопомиш», «Суюнчи» ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига атаб олинган кинолар тўғрисида айрим танқидий фикрлар билдирилган. Бунинг учун муаллифга раҳмат айтиш керак. Ушбу

Мутолаа ва мулоҳаза

соҳада ном чиқарган санъатшунослар назаридан четда қолган бундай камчиликларни кўриш учун эса, аввало, миллатни чин дилдан севиш керак. Ана энди, марҳамат, ўша танқидий мулоҳазаларни биргалашиб ўқийлик:

– Ана, Кумуш Отабекнинг кўзларига тикка кўз қадаб, гоҳ юзини теккиза туриб гаплаша берди, ана, Отабекни ўзига тортиб маъшуқалар сингари ўпди, кейин бу икки «севишган» от чоптирганча аллақайси сой бўйлаб хилватга кириб кетди;

– маҳаллий аҳоли босқинчи мўғуллар бошига олов ёғдиради – бир эски «КамАЗ» баллонини ёқиб, адир астида от чоптириб юрган «мўғуллар» устига думалатиб юборишади. Тасаввур қилинг: олти-етти аср бурун – «КамАЗ» шинаси! Кўриниб турибдики, муаллифнинг бундай ҳақли эътирозларига жавоб йўқ. Чунки бу гаплар ҳар қандай эҳтиросдан холи, мантиқий асосга эга бўлган хулоса ва аччиқ ҳақиқатдир. «Миллийлик – ўқиб-ўрганиладиган ё бировдан сўраб, билиб олинмаган нарса эмас, – деб ёзади олим. – Бунинг учун одам ўзбек бўлиб туғилиши, руҳи шу миллийлик бағрида тарбия топиши керак».

Бизнингча, «Сўз қисмати» виждони уйғоқ ҳар бир зиёли ўқини ва ўқини шарт бўлган санокли китоблардан биридир. Ундаги барча мақолалар тарихимиз, миллийлигимиз ва бугунги ҳаётимиз билан чамбарчас боғлиқ. Китобни мутолаа қилган киши ўзи учун фойдали ва зарур маълумотларга эга бўлади, руҳий эҳтиёжга яраша озуқа олади, миллий ҳис-туйғулари янада тиниқлашади ва теранлашади.

Илҳом ҒАНИЕВ,
филология фанлари доктори

МУАССИС:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ

(тахрир хайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,

Анвар АБДУМУХТОРОВ,

Сайфулло АҲМЕДОВ,

Акмал САИДОВ,

Равшан БЕДИЛОВ,

Кулимурот СОБИРОВ,

Суҳроб РАФИҚОВ,

Шоқисул ПИРИМҚУЛОВ,

Ҳамидулла КАРИМОВА,

Анвар ҚУЛИМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ

(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти –

(71) 256-64-69

Хўқуқ ва халқаро ҳаёт –

(71) 256-52-89

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт –

(71) 256-82-79

Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш –

(71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна –

(71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Хўдаўлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Наҳанов

Мусаҳҳиллар:

А. Абулфайзов,

Д. Худойберганаева

Саҳифаловчи:

Х. Абдулқалимов

Босишга топширилган вақти – 21:00

Топширилди – 21:20

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Буюртма Г – 706.

27714 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмачонасида чоп этилди.

Корхона маъноси:

Буюк Турон қанчили, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТМ «Ipoteka bank»

Яшинобод филиали,

банк коди: 00959,

СТИР: 201133889,

ОКДЭ: 58130

ЛАРЗА

Ўзбекистонлик гимнастикачи Оксана Чусовитина 45 ёшида саккизинчи бор жаҳон олимпиадаси йўлнамасини қўлга киритганда, халқаро спорт жамоатчилиги ёқасини ушлаб қолган эди. «Токио-2020»да Оксана яна бир бор сайёрани ларзага солиб, 46 ёшида катта спорт билан хайрлашди.



Ёнимиздаги афсона

Хайрлашиш Оксанага осон бўлгани йўқ. Аммо у кетиши ҳақида узоқ ўйлаб ҳам ўтирмади. «Токио-2020» мусобақасидаги дастлабки чиқишини бошлаш олдидан телекамераларга, фотосуратчиларга яқинлашиб саломлашган ва хайрлашган маънода қўл силтади, ёқимли табассум қилди. Бунинг учун беш-олти лаҳза вақт кетди, чамамда. Шу онда «Токио-2020» олимпиадасида қатнашаётган дунёнинг «Мана, мен!», деган спортчилари, кўпдан-кўп баҳсларнинг жонли шохидига айланган мурабийлар, ғалаба учун ҳеч нарсага аямайдиган миллионлаб мухлислар диққат-эътиборини Ўзбекистон вакиласига қаратди. Гарчи Оксананинг навбатдаги уриниши унчалик омадлиқ қилмаган бўлса-да, ҳеч ким ундан

ранжимасди. Спортчимиз мусобақадан сўнг пастга тушиб келди. Мухлислари, рақиблари ва жамоадоларига яна бир бор ним табассум қилиб, икки қўлини балан д кўтарди. Бу ҳолат Оксананинг «Хайр, азизларим! Мен ҳам мангизни севаман. Хуш қолинг!», дегани эди, чамамда. Катта спорт саройи бирварақайига «увв» деб юборди. Кимдир йиғлади, кимдир афсусланди. Шу кезде унинг рақиблари ҳам ўрнидан туриб кетишди. Ҳамма тирик афсона – Оксана билан қўл силтаб хайрлашди. Бундай хайрлашуви ҳажронланмасдан, энтикмасдан, йиғламанган кузатиб бўлмайди.

1975 йилда Бухорода туғилган Оксана Чусовитина нақ 30 йил давомида бутун дунё спортчиларининг эътиборида, миллиондан зиёд мухлислари-

нинг эъзозиди бўлди. Бу вақт давомида ҳали оламдаги бирорта гимнастикачи қўлга кирита олмаган натижаларга эришди. У тўққиз бор жаҳон чемпионатларида қатнашиб, тўртта олтин, тўртта кумуш, тўртта бронза медалига эга бўлган ягона аёл. Шунингдек, у Европа чемпионатларида битта олтин, учта кумуш, Осиё ўйинларида иккита олтин, тўртта кумуш, иккита бронза медалларини қўлга киритган. Саккиз бор жаҳон олимпиадасида муносиб қатнашган.

Оксана гимнастикадаги ютуқлари учун Гинннинг рекордлар китобига кирган дунёдаги биринчи аёл. Ҳали бирор-бир спортчининг номи фаолиятини давом эттириш баробарида «Шон-шараф» халқаро спорт музейига киритилмаган эди. Буни фақат Ок-

сана удралади. Яна шуниси хайратланарлики, Оксана йиллар давомида уч мамлакат номидан (СССР, Ўзбекистон, МДҲ) қўшма жамоаси, Германия) тўртта терма жамоа сафида туриб халқаро мусобақаларда қатнашган. Ва фақат совриндорлар қаторидан жой олган.

Бор-йўғи 44 килограмм оғирлиги 153 сантиметр бўйга эга бўлган темир иродали аёл, меҳрибон она (ўғли Алишер касал бўлганда, спортни ҳам ташлаб, даволатиш учун Германияга кўчиб кетган эди), енгилмас спортчи билан ватандош бўлиш ҳаммага ҳам насиб этмаса керак...

Нормурод МУСОМОВ,

«ISHONCH»



Ёв яловини ерга туширган аллома

Тарих сабоқлари

Тасаввуф илмининг ёрқин намояндаларидан бири, улуғ мутафаккир Нажмиддин Кубро тарихда буюк алломагина эмас, балки ўз ватани озодлиги учун мислсиз мардлик намуналарини кўрсатган миллий қаҳрамон сифатида ҳам ном қолдирган.



...Харбий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган мўғул қўшинлари Хоразмшоҳлар давлатига юриш қилиб, қисқа муддатда (1218-1221 йилларда) бу давлат худудини босиб олади. Хоразмшоҳ Муҳаммад ўз юртини, пойтахт Гурганч шаҳрини ташлаб кетади. Шаҳар аҳолиси ҳимоясиз, етакчилик қиладиган сардорсиз қолади. Шундай оғир вазиятда 76 ёшли Нажмиддин Кубро шаҳарни ҳимоясини ўз зиммасига олади. У шаҳар мудофассини ташкил этиш билангина чекланмай, қўлга қилиб олиб, жанг қилади. Анча вақтгача мўғуллар шаҳар ҳимоячиларининг қаршичилигини енга олмайди.

Нажмиддин Кубро шаҳар ҳимоячиларига қарата «Ё ватан, ё шарафли ўлим!», деб хитоб қилади.

Мўғуллар ҳали бирор ерда бунчалик қаттиқ қаршиликка дуч келмаган эди. Даҳшатли қирғинбарот етти ой давом этади. Сон жиҳатдан устун бўлган душман ҳисобсиз курбонлар эвазига ғалабага эришади. Жароҳатланган Шайх туғ тутган мўғул сарбозига ташланиб, яловини маҳкам ушлаб олади. Охири душманлар унинг қўлини кесиб, байроқни олишга мажбур бўлади.

Шундай қилиб, Хоразмнинг буюк фарзанди ўз она ватанини душманлардан ҳимоя қилишда шарафли ўлим топди. Нажмиддин Кубро 1221 йилда ўзи муаллимлик қилган хонақоҳга дафн этилади. Ҳозирги вақтда шайхнинг қабри Туркменистон Республикасининг Тошқоғуз вилояти Қўҳна Урганч шаҳридадир.

Шайх Нажмиддин Кубронинг

ватанпарварлиги асрлар оша тилларда дoston бўлиб, бизгача етиб келган. 1995 йилда буюк алломанинг 850 йиллиги республикамизда кенг нишонланди, бир қанча рисо-лалари чоп этилди.

Турон замини азал-азалдан ватанпарвар, миллатпарвар буюк сиймолар макони бўлган. Бу юртда яшаб ўтган кўплаб алломалар, ва-лий зотлар дунё тарихида ўчмас из қолдиришган. Шайх Нажмиддин Кубро – инсоният тарихидаги энг эътиборли сиймолардан бири. Унинг номи асрлар оша ватанпарварлик тимсоли бўлиб қолаверди.

Дилмурод БОБОЖОНОВ,

«Ичан Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси бош мутахассиси